 O'ZBEKISTON MILLIY METROLOGIYA INSTITUTI UzNIM	“ЎзММИ” ДМ ҳужжатлаштирилган маълумотлари	
	Хизмат текширувини ўтказиш процедураси	
	П-06	Таҳрир №: 01
		варақ 1, жами 18

“ТАСДИҚЛАНДИ”

“ЎзММИ” ДМ директори

_____ Л.Ф.Саидорипов

“ _____ ” _____ 2021 й.

П-06 « Хизмат текширувини ўтказиш процедураси »

Мазкур ҳужжат “ЎзММИ” ДМ ички ҳужжатлари таркибига киради. Ҳужжатнинг тўлиғича ёки алоҳида қисмлари нусхаларга кўпайтирилиши, шунингдек, КҚК менежмент тизими бўйича жавобгар рухсатсиз корхона ходими ҳисобланмаган бегона шахсларга берилишига рухсат берилмайди. Киритиладиган ўзгартиришлар, фақат, ҳужжатнинг асли ва рўйхатга олинган нусхаларидагина қайд қилиниши лозим.

Вазифа	Лавозим	Имзо	Сана	И.Ш.Ф.
Ишлаб чиқди:	Коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” Хизматининг бош мутахасиси			Хомидов.Ш.З
Келишилди:	Директор ўринбосари			Джалилов.М.Б
	Директор ўринбосари			Раҳматиллаев.Н.Й
	Юридик бюро			Ҳакимов. Х

Ҳужжат коди

П -06

**Амал қилиш
муддати**

07.09.2021

дан


07.09.2024

гача

Узайтирилди

гача

Тошкент ш.

 <p>O'ZBEKISTON MILLIY METROLOGIYA INSTITUTI UzNIM</p>	“ЎзММИ” ДМ ҳужжатлаштирилган маълумотлари	
	Хизмат текширувини ўтказиш процедураси	П-06
		Таҳрир №: 01 варақ 2, жами 18

МУНДАРИЖА

1. ЎЗГАРТИРИШЛАРНИ ҚАЙД ҚИЛИШ ВАРАҒИ.....	3
2. ҲУЖЖАТНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДАН МАҚСАД.....	4
3. ҚИСҚАРТИШЛАР, АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР.....	4
4. НОРМАТИВ ҲУЖЖАТЛАРГА ҲАВОЛАЛАР	5
5. ЖАВОБГАРЛИКЛАР.....	5
6. ЖАРАЁН.....	6
6.1. Пора олиш ва бериш, шунингдек бошқа коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар юзасидан хабар бериш тартиби.....	5
6.2. "ЎзММИ" ДМ ходимларига нисбатан хизмат текширувини ўтказиш тартиби.....	7
6. ПРОЦЕДУРА БЎЙИЧА ЮРИТИЛАДИГАН ЁЗУВЛАР.....	15
7. САҚЛАШ.....	15
8. ИЛОВАЛАР	15


	“ЎзММИ” ДМ ҳужжатлаштирилган маълумотлари	П-06
	Хизмат текширувини ўтказиш процедураси	Таҳрир №: 01
		варақ 4, жами 18

2. ХУЖЖАТНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДАН МАҚСАД.

Ушбу ҳужжат “ЎзММИ” ДМ ходимлари томонидан меҳнат ёки ижро интизомининг бузилиши ёхуд “ЎзММИ” ДМ ходими деган номга доғ туширувчи номуносиб, шунингдек ўз хизмат вазифасидан, ўзи ва яқинлари манфаатларини кўзлаган ҳолда пора олиш ва бериш ёки бошқа коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилиши ҳолатлари бўйича хабарларни олиш, таҳлил қилиш, бундай ҳолатлар юзасидан уларга нисбатан хизмат текшируви ўтказилишини таъминлаш қоидаларини белгилайди.

3. ҚИСҚАРТИРИШЛАР, АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР.

Агентлик	“Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш” агентлиги
“ЎзММИ” ДМ	“Ўзбекистон миллий метрология институти” Давлат Муассасаси
Манфаатдор (тарафлар) томонлар	Фаолият юритилиши ёки қарор қабул қилинишига таъсир кўрсатиши, уларнинг таъсирига мойил бўлиши мумкин бўлган жисмоний шахс ёки ташкилот
Иш ўрни	Шахсининг бўлиши лозим ҳисобланган ёки бу шахслар ўз вазифаларини амалга оширадиган жой, (“ЎзММИ” ДМнинг ҳудуди ёки мижоз ҳудудида ҳам бўлиши мумкин).
Ишдаги ҳамкор	Иш спецификацияси, муддатлар, вазифалар, жавобгарлик ва ваколатлар, шартнома асосида келишилган, “ЎзММИ” ДМ фаолиятини амалга оширишда иштирок қилувчи ташқи ташкилот.
Риск (Таҳлика)	Пора олиш-бериш бўйича курашиш тизимида белгиланган мақсадлар бажарилишига таъсир қилиши юқори ҳисобланган ҳолатлар
Рискларни (таҳликаларни) идентификациялаш	Рискнинг (таҳликанинг) мавжудлиги ва унинг характеристикаси аниқлигини тан олишлик жараёни.
Рискларни (таҳликаларни) баҳолаш	Барча мавжуд бошқариш воситаларининг тўлиқлигини ҳисобга олган ҳолда ва таҳлика(лар) қабул қилинадими ёки йўқлигини аниқлашга имкон берувчи баҳолаш жараёни.
КҚК МТ	КҚК менежмент тизими

 <p>O'ZBEKISTON MILLIY METROLOGIYA INSTITUTI</p>	“ЎзММИ” ДМ ҳужжатлаштирилган маълумотлари	
	Хизмат текширувини ўтказиш процедураси	
	П-06	Таҳрир №: 01
		варақ 5, жами 18

4. НОРМАТИВ ҲУЖЖАТЛАРГА ҲАВОЛАЛАР.

- ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши курашиш (пора олиш-бериш билан курашиш) менежменти тизими”;
- “ЎзММИ” ДМ ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари (2021 йил ____ - сон буйруғи билан тасдиқланган);
- “ЎзММИ” ДМнинг коррупцияга қарши курашиш дастури (2021 йил ____ - сон буйруғи билан тасдиқланган);
- “ЎзММИ” ДМнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсати (2021 йил ____ - сон буйруғи билан тасдиқланган);
- “ЎзММИ” ДМнинг коррупцияга қарши комплекс назорат тизими тўғрисида низом (2021 йил ____ - сон буйруғига ____ - илова)

5. ЖАВОБГАРЛИКЛАР.


- **Коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” хизмати бош мутахассиси** мазкур процедура ҳужжати қоида ва талабларининг “ЎзММИ” ДМ таркибидаги барча бўлим, лаборатория, марказ ва худудий филиаллар ҳамда ўз таъсисчилиги асосида тузилган жамиятлар (кейинги матнларда – “ЎзММИ” ДМ тизими) фаолиятида бажарилиши ва риоя қилинишига жавобгар ҳисобланади.
- “ЎзММИ” ДМ таркибидаги барча бўлим, лаборатория, марказ ва худудий филиаллар **ва «ЎзММИ» ДМ таъсисчилиги асосида тузилган жамиятлар директорлари**, ўз корхонаси ва бўлимларида процедура қоидаларига риоя қилиниши ва талабларининг бажарилишига жавобгар ҳисобланади.

6. ЖАРАЁН.

6.1. Пора олиш ва бериш, шунингдек бошқа коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар юзасидан хабар бериш тартиби:

6.1.1 “ЎзММИ” ДМ тизими ходимлари, мижозлар, ишдаги ҳамкор ташкилотлар ва фаолиятга алоқадор бошқа барча жисмоний ва юридик шахслар “ЎзММИ” ДМ тизими ходимлари хатти-ҳаракатларининг қонунийлиги ва (ёки) одоб-ахлоққа мувофиқлиги тўғрисида шубҳа туғилса, коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатлари содир этилишига гумон ёки содир этилганлиги фактлари бўлса, улар бу ҳақда “ЎзММИ” ДМнинг фойдаланиш мумкин бўлган алоқа каналлари орқали хабар беришлари мумкин.

6.1.2 “ЎзММИ” ДМ тизими ходимларининг содир бўлган ёки етарлича фактлар асосида содир бўлиши эҳтимоли мавжуд, ҳар бир ҳодиса бўйича хабар бермаслик ёки нотўғри хабар бериш ижро интизомини бузиш деб топилади ва бунда айбдор шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

 <p>O'ZBEKISTON MILLIY METROLOGIYA INSTITUTI</p>	“ЎзММИ” ДМ ҳужжатлаштирилган маълумотлари	
	Хизмат текширувини ўтказиш процедураси	
	П-06	Таҳрир №: 01
		варақ 6, жами 18

6.1.3 “ЎзММИ” ДМ ўз ваколатлари ва мавжуд имкониятлари доирасида ҳуқуқбузарлик тўғрисида ишончли маълумот берган шахснинг махфийлигини таъминлайдилар.

6.1.4 “ЎзММИ” ДМ ўз ходимларининг манфаатларини ҳимоя қилади ва қасос олишга қаратилган ҳаракатларга, шу жумладан ишдан бўшатиш, лавозимни пасайтириш, камситиш, босим ўтказиш, тизимдаги бошқа ходимларининг шубҳали ҳаракатлари ёки улар томонидан Коррупцияга қарши курашиш Сиёсати талабларини бузиш эҳтимоли ҳақида хабар берган шахсларни таъқиб қилинишига йўл қўймаслигини кафолатлайдилар.

6.1.5 Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги хабарларни қуйидаги алоқа каналлари орқали бериш мумкин:

- (71) 202 00 11 (ички рақам 1240) телефон рақами ва “ЎзММИ” ДМ томонидан ўрнатилган бошқа телефон рақамлар;
- “ЎзММИ” ДМ нинг Телеграм каналлари;
- “ЎзММИ” ДМ нинг расмий веб-сайтларида жойлаштирилган шакллар;
- “ЎзММИ” ДМ нинг электрон почта манзиллари;

6.1.6 “ЎзММИ” ДМ тизимининг алоқа каналларига келиб тушган барча хабарлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва “ЎзММИ” ДМнинг ички ҳужжатларига мувофиқ “ЎзММИ” ДМ тизимининг масъул бўлинмаси ёки ходими томонидан холис тарзда ва ўз вақтида кўриб чиқилади.


6.1.7 Аноним равишда юборилган хабарлар ҳам кўриб чиқиш учун қабул қилинади.

Ўз номини ошкор қилинмаслигини истаган ариза берувчи бундай ҳолатда қуйидагиларни тан олади:

- “ЎзММИ” ДМ хабарга жавоб бериш учун мурожаат этувчи шахс билан боғлана олмайди;
- “ЎзММИ” ДМ зарур қўшимча маълумотларни олишнинг имконияти йўқлиги сабабли хабарни тўлиқ ва ҳар томонлама текширишни амалга ошира олмайди.

6.1.8 “ЎзММИ” ДМ томонидан, келиб тушган хабарга жавоб бериш учун мурожаат этувчи шахс билан қуйидаги ҳолатларда боғланилмайди:

- тўлиқ ва кенг қамровли текшириш ўтказиш учун зарур бўлган қўшимча маълумотларнинг йўқлиги;
- “ЎзММИ” ДМ ходимининг қасддан ёлғон маълумотни тақдим этиши Коррупцияга қарши курашиш Сиёсатининг бузилиши ва ахлоқсиз хулқ-атворнинг намунаси сифатида қаралса, бундай шахс эса Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва “ЎзММИ” ДМнинг ички ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин.

 O'ZBEKISTON MILLIY METROLOGIYA INSTITUTI	“ЎзММИ” ДМ ҳужжатлаштирилган маълумотлари	
	Хизмат текширувини ўтказиш процедураси	
	П-06	Таҳрир №: 01
		варақ 7, жами 18

6.1.9 “ЎзММИ” ДМ тизимида коррупция фактлари тўғрисида виждонан, тўғри ва етарлича далиллар асосида хабар берган “ЎзММИ” ДМ тизимидаги ходимлари, агар бу маълумотлар тасдиқланган бўлса, ички ҳужжатларга мувофиқ рағбатлантирилиши мумкин.

6.1.10 Барча алоқа каналларининг ишлаши ва олинган хабарларни қайта ишлаш/кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги батафсил маълумот “ЎзММИ” ДМнинг коррупциявий тусдаги маълумотлар ҳақида хабар бериш учун алоқа каналлари белгиланган.

6.2 “ЎзММИ” ДМ тизими ходимларига нисбатан хизмат текширувини ўтказиш тартиби:


6.2.1 “ЎзММИ” ДМ тизими ходимлари томонидан меҳнат ёки ижро интизомининг бузилиши ёхуд “ЎзММИ” ДМ ходими деган номга доғ туширувчи номуносиб, шунингдек ўз хизмат вазифасидан, ўзи ва яқинлари манфаатларини кўзлаган ҳолда пора олиш ва бериш ёки бошқа коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилиши ҳолатлари юзасидан уларга нисбатан хизмат текшируви ўтказилади ва натижаси бўйича хулоса тузилади.

Изоҳ:

- Меҳнат ёки ижро интизоми бузилиши деганда ходим томонидан ўзига юклатилган хизмат вазифаларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик, уларни бажаришда белгиланган тартибларга риоя этмасликда ифодаланган ҳаракат ёки ҳаракатсизликлар тушунилади;
- “ЎзММИ” ДМ ходими деган номга доғ туширувчи ножўя хатти-ҳаракатлар деганда, “ЎзММИ” ДМ ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларига (2021 йил ____ даги ____ - сон буйруғи билан тасдиқланган) зид ҳаракат ёки ҳаракатсизликлар, шунингдек маъмурий ва жинсий жавобгарликка тортишга асос бўладиган пора олиш ва бериш, шунингдек, бошқа коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этиш ёки иштирок қилиш, бундай ҳолатлар тўғрисида хабар бермаслик тушунилади.

6.2.2. Хизмат текшируви “ЎзММИ” ДМ директори буйруғи асосида Коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” хизмати бош мутахассиси-бошчилигида, “ЎзММИ” ДМ одоб-ахлоқ комиссияси аъзолари томонидан ўтказилади.

6.2.3. “ЎзММИ” ДМ ходимлари томонидан меҳнат ёки ижро интизомининг қўпол равишда бузилиши, номуносиб ёки ножўя хатти-ҳаракат содир этилганлиги ҳақидаги мижозлар, ишдаги ҳамкорлар ёки бошқа жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, пора олиш ва бериш, шунингдек бошқа коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар юзасидан келиб тушган маълумотлар хизмат текширувини тайинлаш учун асос бўлади.

 <p>O'ZBEKISTON MILLIY METROLOGIYA INSTITUTI</p>	“ЎзММИ” ДМ ҳужжатлаштирилган маълумотлари	
	Хизмат текширувини ўтказиш процедураси	
	П-06	Таҳрир №: 01
		варақ 8, жами 18

6.2.4. Хизмат текшируви ўтказиш учун асос бўладиган хабар, мурожаат ёки маълумот мазкур ҳужжатнинг 6.1.5 пунктида кўрсатилган манбаларга келиб тушганидан кейин, **коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” хизмати бош мутахассиси** маълумотни “ЎзММИ” ДМ директориға етказди. Маълумот келиб тушган кундан эътиборан, **уч кунлик** муддат ичида хизмат текшируви ўтказиш тўғрисида буйруқ чиқарилиши лозим.

Хизмат текшируви ўтказиш тўғрисидаги буйруқда:

- хизмат текширувини ўтказиш учун асос бўлган ҳолатлар ҳамда хизмат текшируви ўтказиладиган бўлим, худудий филиал, таъсисчилик асосида тузилган жамият фаолиятида хизмат текшируви ўтказиладиган ходимлар доираси;
- хизмат текширувини ўтказиш муддатлари;
- хизмат текшируви ўтказиш учун тайинланган ходим ёки гуруҳ таркиби;
- хизмат текшируви ўтказилишига жалб этилган мутахассислар;
- хизмат текширувини белгиланган тартибда ўтказилишига масъул бўлган жавобгар шахс.

Хизмат текшируви тайинлаш тўғрисида буйруқ чиқаришда, “ЎзММИ” ДМнинг ёки “ЎзММИ” ДМ директорининг хизмат текшируви ўтказадиган ходимнинг хизмат текшируви натижасидан манфаатдор бўлиши ёки бўлмаслиги масаласига алоҳида эътибор берилиши лозим.


6.2.5. “Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш” агентлиги “ЎзММИ” ДМ раҳбарлари ва барча мутахассис ходимларига нисбатан, институт директори ўзи раҳбарлик қилаётган барча ходимларга нисбатан хизмат текшируви тайинлаши мумкин.

“ЎзММИ” ДМ директори ўз ўринбосарларига нисбатан хизмат текшируви тайинлашда “Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш” агентлиги директори билан келишиши шарт.

6.2.6. Хизмат текширувининг адолатли, ҳаққоний, тўлақонли ва сифатли ўтказилишига хизмат текшируви ўтказаетган барча ходимлар бевосита масъул ҳисобланади.

6.2.7. Хизмат текшируви ўтказиш жараёнида қуйидаги ҳолатлар аниқланиши лозим:

- меҳнат ва ижро интизоми, одоб-ахлоқ қоидаларининг ҳақиқатда бузилганлиги ёки “ЎзММИ” ДМ ходими деган номга доғ туширувчи номуносиб ёхуд ножўя хатти-ҳаракат содир этилганлиги;
- меҳнат ва ижро интизоми, одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилишида ёки “ЎзММИ” ДМ ходими деган номга доғ туширувчи номуносиб ёхуд ножўя хатти-ҳаракат содир этилишида айбдор шахс ёки шахслар доираси ва уларнинг айблилик даражаси;
- зарар кўрган фуқаролар ва юридик шахслар доираси, етказилган зарар миқдори;

 <p>O'ZBEKISTON MILLIY METROLOGIYA INSTITUTI</p>	“ЎзММИ” ДМ ҳужжатлаштирилган маълумотлари	
	Хизмат текширувини ўтказиш процедураси	
	П-06	Таҳрир №: 01
		варақ 9, жами 18

- бундай хатти-ҳаракат содир этилишининг объектив сабаблари ва бунга имконият берган шарт-шароитлар, шу жумладан, айбдор ходимларнинг айбини оғирлаштирувчи ёки енгиллаштирувчи ҳолатлар;
- хизмат текшируви ўтказилаётган масалага алоқадор бошқа ҳолатлар.

6.2.8. Хизмат текшируви жараёнида аниқланган ҳар бир маълумот хизмат вазифаси бўйича мазкур ишга алоқаси бўлмаган бошқа шахсларга ошкор этилиши мумкин эмас.

6.2.9. Хизмат текширувини ўтказишда заруриятга қараб мутахассислар (бухгалтерия, автотехника, бошқа соҳаларда махсус билимга эга бўлган шахслар) жалб этилиши мумкин. Бунда мутахассисга хизмат текширувини ўтказиш жараёнида ошкор бўлган маълумотларни сир сақлаши лозимлиги ва тегишли тартиб тушунтириб ўтилиши лозим.

6.2.10. Хизмат текширувини ўтказиш зиммасига юклатилган ходим ёки гуруҳ хизмат текшируви тайинлаш учун асос бўлган ҳолатлар билан танишиб чиқиб, амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва муддатлари аниқ қайд этилган хизмат текшируви режасини ишлаб чиқади. Хизмат текшируви режаси хизмат текширувини тайинлаган раҳбар томонидан тасдиқланади.


6.2.11. Хизмат текшируви ўтказишга масъул ходим:

- “ЎзММИ” ДМ иш юритувида ёхуд сақловида бўлган хизмат текшируви ўтказишга алоқадор бўлган ҳужжатлар билан танишиш, улардан нусха олиш;
- хизмат текшируви ўтказишга алоқадор бўлган тегишли материаллар билан танишиш;
- ходимлардан хизмат текшируви давомида юзага келадиган масалалар бўйича маълумотлар ва тушунтиришлар олиш;
- заруриятга қараб хизмат текширувига тегишли мутахассисларни жалб қилиш юзасидан “ЎзММИ” ДМ директориغا ёзма таклиф билан чиқиш;
- заруриятга қараб, тегишли ҳужжатларни ўрганиб, қонуний хулоса қилиш ҳақида тегишли бўлимлар ходимларига кўрсатма бериш тўғрисида “ЎзММИ” ДМ директориغا билдирги билан мурожаат қилишга ҳақлидир.

6.2.12. Хизмат текшируви ўтказиётган ходим қуйидагиларга мажбур:

- хизмат текшируви ўтказиш ҳуқуқини берувчи барча зарур ҳужжатларни хизмат текшируви тайинланган ходимни таништириш;
- хизмат текшируви давомида ўзларига маълум бўлган хизмат сирини ташкил этувчи маълумотларни учинчи шахсларга ошкор этмаслик.

6.2.13. Хизмат текшируви жараёнида ҳар бир ҳолат зарур маълумотлар ва ҳужжатлар тўплаш, тегишли маълумотга эга шахслар ва ходимлардан

 <p>O'ZBEKISTON MILLIY METROLOGIYA INSTITUTI</p>	“ЎзММИ” ДМ ҳужжатлаштирилган маълумотлари	
	Хизмат текширувини ўтказиш процедураси	
	П-06	Таҳрир №: 01
		варақ 10, жами 18

тушунтиришлар олиш, текшириш материаллари ва бошқа ҳужжатларни ўрганиш орқали аниқланади. Тушунтириш беришдан бош тортиш ҳолатлари юзасидан хизмат текшируви ўтказаетган ходим (гурух) томонидан далолатнома тузилади(1 илова).

6.2.14. Хизмат текшируви, қоида тариқасида, беш иш кун ичида ўтказилади. Қўшимча текшириш талаб қилинадиган ҳолларда ва бошқа узрли сабабларга кўра мазкур муддат хизмат текширувини тайинлаган директор томонидан ўн кунгача узайтирилиши мумкин.

Хизмат текшируви тўлақонли ўтказилмаганлиги сабабли қайта хизмат текширув тайинланган тақдирда, хизмат текширувини ўтказиш муддатлари яна 10 кунгача узайтирилиши мумкин.


Алоҳида ҳолларда директор томонидан зудлик билан чора кўрилишини талаб қиладиган ҳолатлар юзасидан хизмат текширувининг қисқартирилган муддатлари белгиланиши мумкин.

6.2.15. Хизмат текшируви давомида якуний хулоса қилиш учун монелик қилувчи ҳолатлар (ходимнинг меҳнат таътилида ёки меҳнатга лаёқатсизлик даврида ҳамда хизмат текширувини тўлиқ ўтказиш учун тўсқинлик қилувчи бошқа ҳолатлар) юзага келган тақдирда, хизмат текшируви тўхтатиб турилиши мумкин ҳамда тўхтатиб турилган муддат хизмат текширувини ўтказиш учун белгиланган муддатга қўшилмайди. Бунда хизмат текширувини тўхтатилишига асос бўлган ҳолатлар бартараф этилганидан сўнг текширув бўйича якуний хулоса қилинади.(2-илова)

6.2.16. “ЎзММИ” ДМ ходимларига нисбатан жиноят иши қўзғатилганда ёки уни айбланувчи сифатида иштирок этишга жалб қилинганда, терговни олиб бораётган орган билан ўзаро маълумот алмашиб, ҳолат юзасидан умумий асосларда хизмат текшируви ўтказилиши мумкин.

6.2.17. Хизмат текширувини ўтказиш давомида бирон-бир шахс томонидан ходимга нисбатан туҳмат қилинганлиги аниқланган тақдирда, тўпланган ҳужжатлар ушбу шахсларга нисбатан қонуний қарор қабул қилиш учун тегишли органга юборилади.

6.2.18. Хизмат текшируви ўтказиш жараёнида жиноят аломатлари аниқланган тақдирда, тўпланган ҳужжатлар ҳуқуқий баҳо бериш учун прокуратура ёки суриштирув органларига юборилиши лозимлиги тўғрисида хизмат текшируви ўтказаетган шахс томонидан директорга тегишли таклиф киритилади. Ҳолат юзасидан хизмат текшируви ҳужжатлари ҳуқуқий баҳо бериш учун прокуратура ёки суриштирув органларига юборилиши лозимлиги тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, ҳужжатларнинг асл нусхалари прокуратура ёки суриштирув органларига юборилиб, улардан нусхалар олиниб, хизмат текшируви йиғма жилдига қўшиб қўйилади.

 <p>O'ZBEKISTON MILLIY METROLOGIYA INSTITUTI</p>	“ЎзММИ” ДМ ҳужжатлаштирилган маълумотлари	
	Хизмат текширувини ўтказиш процедураси	
	П-06	Таҳрир №: 01
		варақ 11, жами 18

6.2.19. Хизмат текшируви жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига асосан ўтказилган тақдирда натижалари ҳақида қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатларда муаллифга маълум қилинади.

6.2.20. Ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим:

- хизмат текшируви ўтказаетган ходим, хизмат текширувига жалб қилинган мутахассис ёки бошқа ходимларнинг иштирокини рад этиш юзасидан директорга билдирги билан мурожаат қилиш;
- хизмат текшируви ўтказаетган ходимнинг рухсати билан текшириш ҳаракатларида иштирок этиш;
- хизмат текшируви тамомлангандан сўнг барча материаллар билан танишиш;
- хизмат текширувидан норози бўлган тақдирда шикоят қилиш ҳуқуқларига эга.

6.2.21. Хизмат текшируви натижасидан норози бўлиб берилган шикоят директор томонидан кўриб чиқилади ва хизмат текшируви ҳужжатларига қўшиб қўйилади.


6.2.22. Ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим қуйидагиларга мажбур:

- талаб қилинган ҳужжатлар, маълумотлар ва бошқа далилларни тақдим этиш;
- хизмат текширувида аниқланиши лозим бўлган ва ишга алоқадор бошқа ҳар қандай ҳолатлар юзасидан тушунтириш бериш;
- хизмат текшируви ўтказаетган ходим (гуруҳ)га текшириш ўтказиш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш;
- хизмат текшируви ўтказиш билан бевосита боғлиқ бўлган зарур ҳужжатларни, кўчирма нусхалари ва бошқа ахборотларни тақдим этиш;
- хизмат текшируви ўтказувчининг текшириш ўтказишига тўсқинлик қилмаслик, унинг хизмат вазифаларини бажаришига нисбатан ҳар қандай таъсир ўтказмаслик.

6.2.23. Хизмат текшируви жараёнида тушунтириш беришдан бўйин товлаш, хизмат текширувига тўсқинлик қилиш, далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни нотўғри маълумот беришга кўндиришга ҳаракат қилиш каби ҳаракатлар хизмат текшируви ўтказилаётган ходимга нисбатан интизомий жазо қўллаш масаласини кўриб чиқишда оғирлаштирувчи ҳолат сифатида инобатга олинади.

6.2.24. Қуйидаги ҳолларда тайинланган маъсул ходим (гуруҳ), шунингдек жалб этилган мутахассис хизмат текшируви ўтказишда иштирок этишга ҳақли эмас ва уни рад қилиш лозим, башарти:

- у хизмат текширувидан ва унинг натижаларидан манфаатдор шахсларнинг қариндоши бўлса;

 <p>O'ZBEKISTON MILLIY METROLOGIYA INSTITUTI</p>	“ЎзММИ” ДМ ҳужжатлаштирилган маълумотлари	
	Хизмат текширувини ўтказиш процедураси	
	П-06	Таҳрир №: 01
		варақ 12, жами 18

- хизмат текшируви ўтказилаётган ходимга бевосита ёки бошқача тартибда бўйсунувда бўлса;
- аввалги хизмат текшируви тўлақонли ўтказилмаганлиги ёки ноҳолис ўтказилганлиги юзасидан қўшимча хизмат текшируви тайинланган тақдирда, аввалги хизмат текширувини ўтказишда иштирок этган бўлса;
- хизмат текшируви ўтказишда иштирок этувчи ходимнинг, шунингдек жалб этилган мутахассиснинг ҳолислигига ва беғаразлигига шубҳа туғдирадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса.

6.2.25. Ушбу ҳужжатнинг 6.2.24-бандида кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда хизмат текшируви ўтказишга жалб этилган ёхуд хизмат текшируви ўтказаетган ходим, шунингдек жалб этилган мутахассис ўзини ўзи рад этиши ҳамда бу тўғрисида дарҳол директорга билдирги билан мурожаат қилиши шарт.

6.2.25.1 Ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим ушбу процедура ҳужжатининг 6.2.24-бандида кўрсатилган ҳолатлар бўйича хизмат текшируви ўтказаетган ходимни, шунингдек жалб этилган мутахассисни рад этиш тўғрисида директорга билдирги билан мурожаат қилиши лозим.

6.2.26. Директор томонидан қўшимча асосларга кўра (хизмат текшируви ўтказаетган ва хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг, улар ишлайдиган бўлимлар раҳбарлари, кадрлар бўлимининг билдиргиси ҳамда бошқа ҳолатлар) хизмат текшируви ўтказишга жалб этилган ходимни рад этиш масаласи кўриб чиқилиши мумкин.


6.2.27. Хизмат текшируви ўтказишга жалб этилган ёхуд хизмат текшируви ўтказаетган ходимни рад этиш ҳар бир ҳолатда “ЎзММИ” ДМ директори томонидан кўриб чиқилиб, асосли деб топилган ҳолатларда ходим хизмат текшируви ўтказишдан озод қилиниши лозим.

6.2.28. Хизмат текшируви натижасига кўра, хизмат текширувини ўтказган ходим (гуруҳ) томонидан маълумотнома тузилади (2 илова). Мазкур хулоса тегишлилигича бўлимлар раҳбарлари томонидан тасдиқланади.

Хулоса тасдиқланган кун текширув якунланган кун ҳисобланади.

6.2.29. Хизмат текшируви тўлақонли ўтказилмаганлиги ёки қўшимча текшириш зарурияти мавжудлиги ҳақидаги хулосага келинган тақдирда, “ЎзММИ” ДМ директори буйруғига мувофиқ, қайта хизмат текшируви тайинланади.

6.2.30. Хизмат текшируви хулосасида ушбу Процедура ҳужжати ва амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда олинган, текширилган ва баҳоланган маълумотлар, далиллар акс эттирилади.

 <p>O'ZBEKISTON MILLIY METROLOGIYA INSTITUTI UzNIM</p>	“ЎзММИ” ДМ ҳужжатлаштирилган маълумотлари	
	Хизмат текширувини ўтказиш процедураси	
	П-06	Таҳрир №: 01
		варақ 13, жами 18


Тасдиқлаш имконияти бўлмаган, гумон ёки тахминларга асосланган, манбаси аниқланмаган ҳамда шубҳали бўлган маълумот ёки далиллар ходим фойдасига ҳал этилади.

Бундай маълумотларга асосланган ҳолда ходимни муайян қилмишни содир этган деб топиш қатъиян ман этилади.

6.2.31. Хизмат текшируви хулосаси кириш, тавсиф-асослантириш, хулоса ва тавсия қисмларидан иборат бўлади.

- Хизмат текшируви хулосасининг кириш қисмида хизмат текшируви ўтказган ходим (гуруҳ), текшириш ўтказиш учун асос бўлган ҳолатлар, шу жумладан, муружаатлар муаллифлари ҳақида маълумот, хизмат текшируви ўтказилган ходимнинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ва жойи, лавозими, эгаллаб турган лавозимда қачондан буён фаолият юритиши, текшириш муддатлари, ўтказилган жойи, хизмат текширувига жалб қилинган ходимлар ва бошқа мутахассислар ҳақида маълумотлар акс эттирилади.
- Хизмат текшируви хулосасининг тавсиф-асослантириш қисмида хизмат текшируви давомида аниқланган ҳолат ёки қилмишнинг мазмуни, шу жумладан ўз тасдиғини топган ёки топмаган ҳолатлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бузилган талаблари, шунингдек етказилган зарар хусусияти ёки миқдори аниқ ва тушунарли қилиб баён этилади.
- Шундан сўнг, баён этилган ҳолат ёки қилмишни тасдиқловчи маълумотлар, тушунтиришлар ва бошқа далиллар, шунингдек уларни келтириб чиқарган сабаблар ва шарт-шароитлар акс эттирилади.
- Хизмат текширувининг хулоса қисмида аниқланган ҳолат ёки бевосита қилмишни содир этган шахслар, ушбу ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш чораларини кўрмаган бошқа ходимлар ҳақида аниқ маълумотлар берилади ҳамда айнан қайси қилмиш билан меҳнат ёки ижро интизоми, одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилганлиги ҳамда номуносиб ёки ноҳўя хатти-ҳаракат содир этилганлиги алоҳида-алоҳида кўрсатилади.
- Хизмат текшируви хулосасининг тавсия қисмида қонун, меҳнат ёки ижро интизомини, одоб-ахлоқ қоидаларини бузган, номуносиб ёки ноҳўя хатти-ҳаракат содир этган ходимга, шунингдек мазкур ҳолатлар содир этилишининг олдини олиш бўйича тегишли чораларни кўрмаган бошқа ходимларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш ҳамда ушбу ҳолатларни келтириб чиқарган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар баён қилинади.

6.2.32. Хизмат текшируви хулосасида баён қилинган ҳолатларни тасдиқловчи иш ҳужжатлари текшириш йиғма жилдининг қайси саҳифасига тикилганлиги, хулоса қачон ва қаерда тузилганлиги кўрсатилиб, хулосани тузган ходим (гуруҳ) томонидан имзоланади.

 O'ZBEKISTON MILLIY METROLOGIYA INSTITUTI UzNIM	«ЎзММИ» ДМ ҳужжатлаштирилган маълумотлари	П-06
	Хизмат текширувини ўтказиш процедураси	Таҳрир №: 01
		варақ 14, жами 18

Хизмат текшируви хулосаси хизмат текширувини ўтказган ходим (гуруҳ) томонидан имзолангач, хизмат текшируви ўтказилган ходимга таништирилади ҳамда ушбу ходим хизмат текшируви хулосаси билан танишганлиги тўғрисида хулосага имзо қўяди. Хизмат текшируви ўтказилган ходим хизмат текшируви хулосаси билан танишганлиги тўғрисида имзо қўйишдан бош тортган ҳолларда, бу тўғрисида камида уч киши томонидан имзоланадиган далолатнома расмийлаштирилади.

6.2.33. Хизмат текшируви якунида хизмат текшируви тайинлаган «ЎзММИ» ДМ директори томонидан меҳнат ёки ижро интизомини бузган, номуносиб, ножўя хатти-ҳаракат содир этган ходимнинг бевосита (бўлим) бошлиғи, мазкур ҳолатда хизмат вазифаларини қай даражада бажарганлигига ҳолисона баҳо берилиши шарт.

«ЎзММИ» ДМ ходимларининг Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ масалалар юзасидан ходимга нисбатан ўтказилган хизмат текшируви хулосаси бир иш куни муддатида ўрганиб чиқиш учун «ЎзММИ» ДМ Одоб-ахлоқ комиссиясига тақдим этилади.

«ЎзММИ» ДМ Одоб-ахлоқ комиссияси ходимларнинг Одоб-ахлоқ қоидалари бузилган деб топилган ҳолатлар юзасидан директорга қўлланилиши лозим бўлган интизомий жазо чораси тўғрисида таклиф киритади ёки ходимга нисбатан келгусида Одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатларига йўл қўймаслиги тўғрисида огоҳлантириш билан чекланади.


6.2.34. Хизмат текшируви хулосаси (Одоб-ахлоқ комиссияси қарори) га асосан узоғи билан бир ойлик муддат ичида ваколатли раҳбар томонидан хизмат текшируви ўтказилган ходимга нисбатан қонунда белгиланган жавобгарлик масаласи ҳал этилади.

Хизмат текшируви натижасига кўра қўлланиладиган интизомий жазо чоралари, энг аввало, профилактик аҳамият касб этиши ҳамда адолатли бўлиши лозим.

6.2.35. Хизмат текшируви натижаси бўйича алоҳида белгиланган тартибда йиғма жилдга жамланган ҳужжатлар «ЎзММИ» ДМнинг ходимлар билан ишлаш бўлимига топширилади. Ходимлар билан ишлаш бўлими хизмат текшируви ҳужжатларининг сақланиши учун масъул ҳисобланади.

6.2.36. Ҳар бир хизмат текшируви ҳужжатлари алоҳида йиғма жилдда қуйидаги тартибда хронологик тарзда жамланади:

- хизмат текшируви тайинлаш учун асос бўлган ҳужжат;
- хизмат текшируви режаси ва тегишли кўрсатмалар;
- ходимнинг меҳнат фаолиятига тегишли маълумотлар;
- ишга алоқадор бошқа шахсларга тегишли маълумотлар;
- алоқа хатлари, ёзишмалар;
- хизмат текшируви давомида тўпланган бошқа ҳужжатлар;

 O'ZBEKISTON MILLIY METROLOGIYA INSTITUTI	“ЎзММИ” ДМ ҳужжатлаштирилган маълумотлари	
	Хизмат текширувини ўтказиш процедураси	П-06
		Таҳрир №: 01 варақ 15, жами 18

- ҳолатга алоқадор ҳужжатларнинг нусхалари, улар бўйича хулосалар;
- тушунтириш хатлари;
- хизмат текшируви хулосаси;
- хизмат текшируви ўтказилган ходимга нисбатан қўлланилган чора ҳақидаги буйруқ нусхаси.

6.2.37. Меҳнат ёки ижро интизоми, Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши, номуносиб ёки ноўй ҳатти-ҳаракат юзасидан ходимга нисбатан ўтказилган хизмат текшируви хулосасининг нусхаси Ходимлар бўлими томонидан юритиладиган назорат йиғма жилдига қўшилади.

6.2.38. «ЎзММИ» ДМ томонидан ўтказилган барча хизмат текширувларининг электрон базаси юритилади.

6.2.39. Хизмат текширувидан ва унинг натижаларидан манфаатдор шахслар норози бўлган тақдирда, «ЎзММИ» ДМ директориға, “Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш” агентлиги бош директориға ёки бошқа ҳуқуқий ташкилотга шикоят қилиши мумкин.

7. ЁЗУВЛАР.

	“ЎзММИ” ДМ ҳужжатлаштирилган маълумотлари	П-06
	Хизмат текширувини ўтказиш процедураси	Таҳрир №: 01
		варақ 16, жами 18

“ЎзММИ” ДМ да хизмат текширувини ўтказиш тартибига 1-илова

ДАЛОЛАТНОМА

«__» _____ 20__ й.

Биз, қуйида имзо қўювчилар

_____ (ФИШ, лавозими)

_____ (ФИШ, лавозими)

_____ (ФИШ, лавозими)

Ходим (ФИШ, лавозими) 20—йилнинг «--»да

_____,дан
иборат бўлган қоидабузарлик содир этилганлиги тўғрисида ёзма тушунтириш бериш таклиф этилган бўлиб, у ёзма тушунтириш беришни рад этгани тўғрисида ушбу актни туздик.

Ёзма тушунтириш беришни рад этганлиги сабабларини ходим (ФИШ, лавозими) қуйидагилар билан изоҳлади

_____ (тушунтириш беришни рад этганлик сабаблари эркин шаклда баён этилсин).

Далолотнома тузган шахслар имзоси:

(имзо)

(ФИШ)

(имзо)


(ФИШ)

(имзо)

(ФИШ)

Далолотнома билан танишдим*: (ФИШ, лавозим, сана, имзо) _____

* Далолотномага имзо қўйишдан бош тортса, ишчи гуруҳ раҳбари «имзолашдан бош тортди» ёзувини киритиб, ўзи имзо қўяди.

 <p>O'ZBEKISTON MILLIY METROLOGIYA INSTITUTI</p>	“ЎзММИ” ДМ ҳужжатлаштирилган маълумотлари	
	Хизмат текширувини ўтказиш процедураси	
	П-06	Таҳрир №: 01
		варақ 17, жами 18

“ЎзММИ” ДМ да хизмат текширувини ўтказиш тартибига
2-илова

Хизмат текшируви натижалари тўғрисида маълумотнома

_____-сон

1. Асос: Ташкилот раҳбарининг буйруғи (сана ва рақами)

2. Ишчи гуруҳ таркиби:

Ишчи гуруҳ раҳбари _____
(лавозими, фамилияси, инициаллари)

Ишчи гуруҳ аъзолари _____
(лавозими, фамилияси, инициаллари)

3. Хизмат текширувини ўтказилган муддати:

4. Текширув ўтказиш учун асослар (келиб тушган хабарнинг қисқача мазмуни):

5. Баён қисми (хизмат текширувида аниқланган фактлар):
қоидабузарлик содир бўлганми ва у нималарда ифодаланган;
қоидабузарлик содир этилган жойи, вақти, усули ва қоидабузарликни содир этишнинг бошқа шароитлари;

Хизмат текшируви ўтказилаётган ходим(лар)нинг маълумотлари (ФИШ, лавозими, (тузилмавий бўлинма номи (бошқарма, бўлим номини кўрсатган ҳолда), меҳнат шартномаси тузилган сана, ушбу ходимга нисбатан Хизмат текшируви аввал ҳам ўтказилганми);

қоидабузарликни содир этишга алоқадор бўлган шахслар доираси;

қоидабузарликни содир этиш мақсадлари ва сабаблари;

қоидабузарликни содир этишга туртки бўлган сабаб ва шартлар;

конкрет ходимнинг айбдорлигини тасдиқловчи ёки унинг айбсизлигига гувоҳлик берувчи тўпланган маълумотлар таҳлили;

Хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг ўз ҳимояси учун келтирган далиллари, уларни текшириш натижалари.

б. Хулоса ва таклифлар:

а) хулоса қисмида:

Хизмат текшируви ўтказилган шахс(лар)нинг ҳаракат(лар)ида (ҳаракатсизлигида) қоидабузарлик мавжуд ёки йўқлиги тўғрисида хулоса;

қоидабузарлик бўлса, талаблари бузилган Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ёки Ташкилотнинг ички ҳужжатлари номи, санаси ва бузилган қоида мазмуни;

қоидабузарлик содир этиш натижасида етказилган зарар характери ва кўлами (мавжуд бўлса);

б) таклиф қисмида

айбдор шахс (лар)ни жавобгарликка тортиш бўйича таклифлар;

қоидабузарлик содир этишга олиб келадиган сабаб ва шартларни бартараф қилишга қаратилган тавсиялар;

Хизмат текшируви материалларини ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тақдим этиш зарурияти.

Ишчи гуруҳ аъзолари имзолари:


Маълумотнома билан танишдим*:

(ФИШ, лавозими)

(имзо)

(сана)

* Маълумотномага имзо қўйишдан бош тортса, ишчи гуруҳ раҳбари «имзолашдан бош тортди» ёзувини киритиб, ўзи имзо қўяди.

 O'ZBEKISTON MILLIY METROLOGIYA INSTITUTI	“ЎзММИ” ДМ ҳужжатлаштирилган маълумотлари	
	Хизмат текширувини ўтказиш процедураси	
	П-06	Таҳрир №: 01
		варақ 18, жами 18

“ЎзММИ” ДМ да хизмат текширувини
ўтказиш тартибига
3-илова

Хизмат текширувлари электрон реестри

Т/р	Хизмат текшируви ўтказиш тўғрисидаги буйруқ рақами ва санаси	Ўтказилган Хизмат текшируви натижалари тўғрисидаги маълумотнома рақами ва санаси	Хизмат текшируви ўтказиш даври	Ишчи гуруҳ таркиби	Қоидабузарлик тўғрисидаги ахборот келиб тушган манба	Хизмат текшируви ўтказиш йўналишларининг қисқача таърифи	Текширув натижаларининг қисқача таърифи	Аниқланган айбдор шахслар рўйхати	Текширув натижалари бўйича тасдиқланган чоралар	Муддатлар ва ижро учун маъсул	Амалда бажарилганлик тўғрисидаги ахборот
1	2	3	5	6	7	8	9	10	11	12	13
1											
2											
3											
4											
5											
..											

№	Ўзувлар номи	Ўзувни юритиш/сақлаш учун жавобгар	Сақланиши		Йўқ қилиниши қоидаси
			Сақлаш жойи	Муддат	
1					

8. САҚЛАШ.

Мазкур ҳужжатнинг директор томонидан тасдиқланган актуаль версияси электрон ва қоғоз шаклида **коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” хизмати бош мутахассисид**а сақланади.

9. ИЛОВАЛАР.

Мавжуд эмас.